O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SUV XO‘JALIGI VAZIRLIGI
B U Y R U Q

2024-yil “28” iyun 132-sonli

Toshkent sh.

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида “Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майда “Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилаш тўғрисида”ги ПФ-74–сон Фармонига мувофиқ Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги “Хавфсиз дарё бошқармаси” давлат муассасаси негизида хўжалик ҳисобидаги “Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майда “Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилаш тўғрисида”ги ПФ-74–сон Фармони раҳбарлик ва ***ижро учун қабул қилинсин.***

2. Қуйидагилар:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги “Хавфсиз дарё бошқармаси” давлат муассасаси негизида хўжалик ҳисобидаги “Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасаси фаолиятини ташкил қилиш бўйича комиссия таркиби (кейинги ўринларда–Комиссия) 1-иловага мувофиқ;

“Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасаси тўғрисидаги Устави 2-иловага мувофиқ;

“Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш” давлат муассасасининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

"Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасаси ҳудудий бўлинмалари тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

"Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасаси ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Комиссия раҳбарига ҳамда "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасаси билан биргаликда:

а) 2024 йил 15 июнга қадар асосий воситалар ва товар-моддий бойликлари, штат бирликларини ҳамда барча молиявий ҳужжатлар, активлар ва мажбуриятларни Сув хўжалига вазирлигига белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш ишларини амалга ошириш.

б) 2024 йил 1 июлига қадар хар бир ходимнинг малакаси ва шахсий кўникмаларини баҳолаган ҳолда эгаллаб турган вазифасига лойиқлигини кўриб чиқиш;

в) ҳар бир ходим кесимида вазифалар тақсимотини қайта кўриб чиқиб, ходимларнинг хизмат вазифаларини тасдиқланишини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Вазир ўринбосари (Қувондиқов) "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасаси ҳамда вазирликнинг тегишли бошқармаларини жалб қилган ҳолда 2024 йил 10 июлига қадар сув хўжалиги объектларида бозор механизмларини кенг жорий қилишга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва соҳага тааълуқли вазирлик ҳамда идоралар билан келишган ҳолда 2024 йил 15 июлгача Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

сув фонди ерларидан самарали фойдаланиш;

балиқчилик саноатини янада ривожлантиришга манфаатли имкониятлар яратиш;

дарё ўзанлари сув ресурсларини тўғри бошқарилишини таъминлаган ҳолда тартибга солиш бўйича соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ амалга оширилиши кўзда тутилсин.

5. Вазир ўринбосари (Қувондиқов), Маъмурий - хўжалик ишлари бўлими (Хушвақтов) бир ой муддатда "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасаси марказий аппарати ходимлари учун вазирлик тасарруфидаги бинодан хоналар ажратиб берилиши ва кўчириш ишларини ташкил этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасаси ҳудудий бўлинмалари ходимлари учун бошқарма биносидан хона ажратиб берилиши таъминлансин.

7. Молия-иқтисод ва хорижий инвестиция масалалари бошқармаси (Аббосов) "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасаси маблағларидан режали ва оқилона фойдаланиш мақсадида, жорий йилнинг июль-декабрь ойлари учун харажатлар сметасини тасдиқлансин ҳамда ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириб бориш

белгиланган тартибда муассасанинг молиявий аҳволидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилсин.

8. Ташкилий-назорат ва тахлил бошқармаси мазкур буйруқни тегишли таркибий ва ҳудудий бошқармаларга маълумот ва ижро учун етказсин.

9. Буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Х.Кувондиков зиммасига юклансин.

Vazir **Sh.Xamrayev**

Сув хўжалиги вазирининг
2024 йил 28 июндаги
132 -сонли буйруғига 1-илова

Экология, ароф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги "Хавфсиз дарё бошқармаси" давлат муассасаси негизида хўжалик ҳисобидаги "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш бўйича комиссия
ТАРКИБИ

1.	Х.Кувондиқов	Вазир ўринбосари – ***комиссия раиси***
		Комиссия аъзолари
2.	Р.Шаропов	Юридик бўлим бошлиғи
3.	Х.Кабилов	Ирригация тизимларидан ва йирик гидротехник иншоотлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи
4.	Ж.Аббасов	Молия-иқтисод ва хўжалик фаолияти бошқармаси
5.	С.Алимарданов	Ички аудит бошқармаси бошлиғи
6.	Б.Хушвақтов	Молия-иқтисод ва хўжалик фаолияти бошқармаси бош мутахассиси

Сув хўжалиги вазирининг
2024 йил 28 июлдаги
132-сонли буйруғига 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасасининг

УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасасининг (*кейинги ўринларда – "Муассаса" деб юритилади*) ҳуқуқий мақоми, асосий вазифа ва функцияларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Муассасанинг таъсисчиси: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майда Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида"ги ПФ-74-сон Фармонига асосан Сув хўжалиги вазирлиги *(кейинги ўринларда – "Таъсисчи" деб юритилади)* ҳисобланади.

3. Муассаса юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган мухрга эга бўлади.

4. Муассаса бюджет ташкилоти ҳисобланмайди ва фаолияти қонунчиликда белгиланган хўжалик юритиш натижасида тушган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Муассасанинг расмий тўлиқ ва қисқартирилган номи:

давлат тилида: Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасаси;

қисқача номи - "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасаси;

рус тилида: Государственное учреждение "Внедрение рыночных механизмов в водном хозяйстве" при Министерстве водного хозяйства Республики Узбекистан.

кискача номи - Государственное учреждение "Внедрение рыночных механизмов в водном хозяйстве".

инглиз тилида: State institution "Implementation of market mechanisms in water management" under the Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan.

қисқача номи - State institution "Implementation of market mechanisms in water management".

6. Муассасанинг жойлашган жойи (почта манзили) Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон Йўли кўчаси, 2а-уй.

7. Муассаса бошқа давлат муассасасининг таъсисчиси бўлиши мумкин эмас.

8. Муассаса ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Таъсисчининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда ушбу Уставга амал қилади.

II. Муассаса фаолиятининг мақсади ва асосий фаолияти йўналишлари

9. Фойда олиш, қонунчиликда белгиланган вазифалар ва Таъсисчининг топшириқларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, шунингдек ушбу уставда кўрсатилган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш Муассаса фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

10. Қуйидагилар Муассаса фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

Сув объектларида балиқчилик саноатини янада ривожлантиришга манфаатли имкониятларни кенгайтириш;

Сув омборлар ҳудудида замонавий туризм инфратузилмаси объектларини (пляж ва сувда дам олиш туризми, киргоғи бўйлаб сайр қилиш йўлаклари, меҳмонхона мажмуалари, соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятга эга бошқа объектлар) барпо этиш ҳамда туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ҳаваскорлик ва спорт балиқ овини ривожлантириш;

Сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида экотуризмни ташкил этиш мақсадида замонавий енгил конструкцияли туризм инфратузилма объектларини ташкил этиш учун юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилиши бўйича очиқ танлов ўтказилишини ташкил этиш;

Каналлар, коллекторлар ва насос станциялари атрофидаги сув фонди ерларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;

сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишда «Smart Water» («Ақлли сув») ва шу каби рақамли технологияларни жорий қилиш;

дарёларда сув ресурсларини тўғри бошқарилишини таъминлаган ҳолда уларнинг ўзанлари ва киргоқларидан фойдаланишни тартибга солиш;

сув хўжалиги объектлари ҳудудида жойлашган бўш бино ва иншоотлардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;

соҳил бўйи минтақалари бўйича норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

дарё ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш ишларини олиб бориш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, улар бўйича белгиланган тартибда давлат экологик экспертизаси хулосасини олиш;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва Фавқулодда вазирлиятлар вазирилиги мутахассислари билан биргаликда доимий равишда жойларга чиққан ҳолда шартнома асосида жалб этилган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан дарёлар ўзанларини тозалаш ишлари олиб борилаётган участкалардаги ҳолатни ўрганиш;

шартнома асосида жалб этилган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан дарёлар ўзанларини тозалаш ишлари натижасида олинган қум-шағал материаллари ҳажмининг ҳисобини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда дарёлар ўзанларида қум-шағал материаллари тўпланиб қолган ва тозаланиши лозим бўлган участкалар рўйхатини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябрдаги "Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-426-сон қарорига асосан ташкил қилинган Тошқинга карши ҳукумат комиссияга киритиш;

Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси билан ҳамкорликда ҳар ойда сув фонди ерларидан хўжалик фаолияти юритиш, сув объектлари баликчилик фаолиятини юритишда хавфсизлик талабларига риоя этилиши ва дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига шартнома асосида жалб этилган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишларни назоратини олиб бориш;

11. Муассаса ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

сув фонди ерларида янгидан ўрмонзорлар барпо этиш, шунингдек, ушбу ерлардан илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация, эстетик ва экологик туризмни ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш, овчилик ва баликчилик хўжаликлари ташкил этиш, доривор ўсимликлар ва кўчатлар етиштиришни йўлга қўйишга қаратилган лойиҳаларини амалга ошириш учун танлов орқали ижарага берилишини ташкил этиш;

дарё ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал қазиб олиш ишларини олиб бориш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, улар асосида давлат экологик экспертизаси хулосасини олиш, шунингдек, дарёлар ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш ишлари лойиҳаларни амалга ошириш ҳуқуқини аукционда реализация қилиш бўйича электрон аукционларни ташкил этилишида буюртмачи вазифасини амалга оширади;

дарёлар ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш ишлари лойиҳаларни амалга ошириш ҳуқуқини амалга оширилиши учун тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотларни шартнома асосида жалб қилади ҳамда уларнинг шартномавий мажбуриятларини бажарилишини назорат қилади;

14. Муассаса бошлиғи:

муассаса фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва муассасага юкланган вазифаларни бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ваколати доирасида муассаса ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва уларнинг бажарилишини таъминлайди.

муассаса фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича тезкор йиғилишларни ўтказади ҳамда кўрсатмалар беради;

муассаса номидан иш олиб боради, барча ташкилотларда унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

муассаса тузилмасига мувофиқ вазифаларни тақсимлайди;

харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини белгиланган тартибда таъсисчига рўйхатдан ўтказиш ва тасдиқлаш учун киритади;

етарли даражадаги билим ва иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида жалб қилади ва ишдан бўшатади;

Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган холда ташкилий-штат тузилмасига ўзгартириш киритиш ва иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда юридик шахс мақомисиз, 5 нафардан ортиқ бўлмаган штат бирлиги билан ҳудудий бўлинмаларни ташкил этиши мумкин.

Сув хўжалиги вазирлиги раҳбариятининг ва Таъсисчининг буйруқлари, буйруқномалари, фармойишлари ва топшириқлари асосида ҳамда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, зарурат туғилганда ўзининг буйруғи асосида республика бўйлаб хизмат сафарига (хизмат автомашинасидан фойдаланган ҳолда) боради, бунда тегишли ҳужжатлар "Сув хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасасида расмийлаштирилади ва хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар муассаса ҳисобидан қопланади;

муассаса бошлиғи қонунчилик ҳужжатларига ҳамда ушбу Уставга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

IV. Муассасанинг мол-мулкини тасарруф этиш

15. Муассасанинг мулки қуйидагилардан ташкил топган:

Таъсисчи томонидан муассасага оператив бошқарув ҳуқуқи билан бириктирилган мулкдан;

қонунчиликда белгиланган фаолиятидан олинган даромадлардан;

бюджет ташкилотлари ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушумлар;

бўш турган мол-мулкни ижарага бериш ҳамда депозитга қўйишдан келиб тушадиган маблағлар;

ҳомийлик маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

16. Муассаса мулкини тасарруф этиш, кўрсатилган хизматлардан ва бошқа тушумлардан тушган пул маблағларини таъсисчининг ҳисоб рақамига йўналтириш таъсисчи буйруғига асосан амалга оширилади.

Бунда таъсисчига йўнатириладиган маблағ, муассаса томонидан йиллик харажатларининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

17. Таъсисчи муассасага берилган мулкдан ўз вазифасига кўра фойдаланилиши ва сакланиши, шунингдек, ўзгага берилиши устидан назоратни олиб боради.

V. Муассаса фаолиятини молиялаштириш манбалари

18. Муассаса фаолиятини молиялаштириш манбалари қуйидагилар асосида шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

дарёлар ўзанларини тозалаш учун ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилишдан, шунингдек, казиб олинган қум-шағал материаллари ҳажми ҳисобидан тушган пул маблағлари;

сув фонди ерларини танлов орқали ижарага берилиши натижасида тушган маблағлар;

сув объектларида балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш ва ижарага бериш фаолиятидан тушган маблағлар;

бюджет ташкилотлари ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушумлар;

бўш турган мол-мулкни ижарага бериш ҳамда депозитга қўйишдан келиб тушадиган маблағлар;

Сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида ташкил этилган экотуризм объектларидан тушадиган маблағлар;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотлар ва донор мамлакатлар грантлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, муссасанинг ходимларига Сув хўжалиги вазирлигининг марказий аппаратнинг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

19. Муассасанинг маблағларидан қуйидагилар учун фойдаланиш мумкин:

муассасани сақлаб туриш, моддий-техник таъминлаш, биноларни қуриш, реконструкция килиш, асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва таъмирлаш хамда ходимларни ижтимоий қўллаб қувватлаш харажатларига;

ходимларнинг малакасини ошириш, хизмат сафарларини амалга ошириш, ўқитиш ва стажировка ўтишини, шу жумладан уларнинг хорижий мамлакатларга ташрифини ташкил этиш ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотларни дарё ўзанларини тозалаш ишларига жалб қилиш ҳамда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, давлат экологик экспертизаси хулосаларини олиш билан боғлиқ харажатларга;

сув фонди ерларини балиқчилик хўжаликлари ва бошқа мақсадларда

ижарага бериш билан боғлиқ харажатларга;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига моддий-техник базани ривожлантиришга йўналтирилади;

муассасанинг штат жадвали, харажатлар сметасини тасдиқлаш учун белгиланган тартибда таъсисчига келишиш учун киритади.

20. Муассаса ходимларига устама ҳақ миқдорлари лавозим маошига нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобланади:

Ходимларни расмий меҳнат даври учун устама ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Муассаса бошлиғи томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

VI. Муассаса ҳисобдорлиги

21. Муассаса ўз фаолияти тўғрисида Таъсисчига ва унинг тегишли таркибий бўлинмаларига мунтазам равишда ҳисобот беради.

22. Таъсисчи томонидан муассасага юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича улар фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб боради.

VII. Муассасанинг жавобгарлиги

23. Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. Муассасанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда таъсисчи муассасанинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

24. Муассаса таъсисчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

VIII. Муассасани тугатиш ва қайта ташкил этиш

25. Муассаса қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.